

«МАЖБУРИЙ НУС

Гулҳаё АШУРОВА

БАХТ ТИМСОЛИ

(Шеърлар)

«Andijon nashriyot-matbaa» МЧЖ
2012 йил.

УДК: 621.512.133-1
ББК 84 (5 Үзб) 7 - Узб. афод

А - 98

А-98. Гулҳаё Ашурова. Бахт тимсоли. «Andijon nashriyot-matbaa» МЧЖ, 2012 йил, 32 бет.


Ушбу тўпламдан ижод оламига кириб келаётган Гулҳаё Ашурованинг бир даста шеърлари ўрин олган.

Ёш ижодкорнинг ёшлик сурори билан ёзилган шеърлари Сиз азиз мухлисларга манзур бўлса ажаб эмас.

10 40240
091.

ISBN 978-9943-331-83-9

© Гулҳаё Ашурова, 2012.
© «Andijon nashriyot-matbaa» МЧЖ,
2012.



ОРЗУЛАРИ УММОН ҚИЗ

Гулҳаё Ашурова илк мактаб чогидаёқ шеъриятга қизиқади. Унинг дастлабки шеърлари туман газетасида чоп этилган.

Гулҳаё она-Ватан, табиат гўзаликлари, инсоний меҳр-оқибат мавзуларида қалам тебратар экан, туйгуларнинг мусаффо суръатлари, оҳанглари, жилвалари қогозга гўзал нақшлар бўлиб битилади.

У Куба туманидаги “Надимий” номли ёш ижодкорлар тўғарагининг фаол аъзоси. Шеърлари “Гулчехралар”, “Карвон кўнгироги” каби республика газеталарида чоп этилган. Фарғона вилояти ёш ижодкорларининг республикада нашр қилинган “Ҳайрат булоқлари” жамоа тўпламида унинг ҳам шеърлари борлиги барчани қувонтиради.

Гулҳаё Ашурова “Камолот” ЁИХнинг фаол аъзоси сифатида туман, вилоят миқёсидаги тадбирларда, танловларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Ўзбекистон!” кўрсатувида ўз шеърлари билан қатнашиб, мухлислар эътиборини қозонди. Ёш шоира қизимиз Гулҳаё Ашурова келгусида жамиятимизнинг шгор аъзоси, иқтидорли ижодкори бўлиб етишиади, деб ишонч билдирамиз.

*Зухро АЛИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси, шоира.*

BATAH

Умид чашмасидан сув ичиб баҳтли,
Бугун орзуларга тутилдим асир.
Назокат меҳридан яралган тупрок,
Бағрида мұхаббат қурғандир каср.

Унга меҳрим баланд, ишқим юксакрок,
Қаср. Юрагимда жойлашган макон.
Онамдек бетакрор, онамдек күркам,
Онамдек меҳрибон онажон Ватан.

Ним табассум котган гүзәл чөхрәлар,
Хушчакчак күлгүлар жонимга оро.
Күзларда порлайди ишкий түйгүлар,
Ишқдан яралгандир аслида Дунё.

Қалбида мұхаббат жо этган тимсол,
Күксимда битта гул илдизи отган.
Гулнинг тимсолида асли бир маъно,
Юрак деган гулнинг илдизи Ватан.



ХАЁТ ГЎЗАЛ

Вох! Шунчалар гүзал күринар олам,
Хаётга боқаман, түймайди күзим.
Ох! Төглар бағрида яшнаган лолам,
Сен асли ўзимсан, сен асли ўзим.

Мискин юзлар, гўзал нигоҳлар аро,
Лабларимда кезар майин табассум.
Бунчалар чиройли бўлмасанг Дунё
Хафа бўлмоқликка кўймайсан бир зум.

Күйнингда очилган эрка күнгил шод
Хаяжон ичинда хисларим менинг,
Шунчалар гўзалсан ажойиб хаёт!
Энди мен чиройинг бўламан сенинг.



САҲАБА СОҲИЛЛАҲ САҲАБА СОҲИЛЛАҲ САҲАБА СОҲИЛЛАҲ САҲАБА СОҲИЛЛАҲ

БАХТ ТИМСОЛИ

Бахтнинг тимсоллари қаерда, она?
Айта қолинг, улар қайдада мужассам?
Шу эрк деган элим водийлари хур -
Соҳир наволари найдада мужассам.

Ҳар кунинг тўй сенинг, ҳар онингда бахт,
Саҳроларингда бахт, ҳар шомингда бахт.
Ўзбекистон деган ўзи бек юртим,
Номингда бахт сенинг, ҳам шонингда бахт.



OTAM

Бизга меҳр берган меҳрибон отам,
Юзида шодликнинг чизгилари бор.
Ғамни орқалаган хушзабон одам,
Кузда ҳам қалбида яшнайди баҳор.

Чопонида бордир захмат меваси,
Гуурдек мустаҳкам жойлашган улар.
Кувончдан баландроқ кувонч шеваси,
Борлиққа шиддату юксалиш тилар.

Белдаги белбоғи ордан түқилган,
Инсоний ришталар боғлаган уни.
Пешона теридан меҳнат түқилган,
Эзгулик қымкын шайдир хар куни.

Дүпписида бордир мұхаббат нақши,
Мехр кийгизгандир отам бошига.
Юзда күлгү қотған шиддати тошқин,
Жаннат илоҳ сочар еган ошига.

Ҳалоллик отамдан ибрат олади,
Теран нигоҳига ўрнакдир олам.
Дунёлар ичинда мангу қолади,
Бизга меҳр берган меҳрибон отам.



ФАРГОНАДАН АХТАРИНГ

Меҳрин қўшиқ қилиб куйлаган,
Элнинг ғамин олиб куйлаган,
“Водий гулшан” дея сўйлаган,
Таваккалдек хушнаволарни
Фарғонадан ахтаринг.

Сўзларига Дунё колган лол,
Сочларидай узун мажнунтол,
Кўқдан тушган ердаги хилол,
Сўзлари дур ул Зухроларни
Фарғонадан ахтаринг.

Билими зўр, жаҳонда машхур.
Борлигida акс этар шуур,
Истиклоли, истиқболи хур,
Илмпарвар кўп зукколарни
Фарғонадан ахтаринг.

Тасаввури улкан бир китоб,
Юзларида порлайди офтоб,
Устадирлар «гап деса қоп-қоп»,
Юсуф кизик сўз бурроларни
Фарғонадан ахтаринг.

Ёт эмасдир маърифат хадис,
Фарзандлари зўр шоирнафас,
Гўзал юртин куйлагай ҳаргиз,

Энахону¹ Марҳаболарни²
Фарғонадан ахтаринг.

Мусаффо, тоза тонгларни,
Танавордек куй-оҳангларни,
Нурга тӯла садо, бонгларни,
Мармар каби соф хаволарни
Фарғонадан ахтаринг.

БИР ҲОВУЧ ТУПРОҚ

Тупрок - яралган жисмим,
Шу тупроқда илиқ харорат.
Бир ҳовуч тупроқни кўзимга суртиб,
Кўзимда жонланар илохий ҳайрат.

Ниҳол новдалари кўкка интилиб,
Тупроқдан узолмас бир дам кўнглини.
Бир ҳовуч тупроқда меҳр тафти бор,
Орзу оламига бошлар йўлимни.

Бир жисм, бир юрак, бир ҳовуч тупрок,
Одамзод умрининг асос ўзаги.
Асли шукур айтар юракда титрок,
Шу эмасми, ахир, менга кераги.

Ватан – асли буюк ўтқанлар хоки.
Мустажоб кунларда муқаллас излар.
Гууррга қоришган Ватан қолади,
Бир ҳовуч тупроққа айлансак бизлар.

¹ Силяхон Садикова, шоира.

² Мирҳабо Каримова, шоира.

БУЮК БАХТ

Бу юртнинг қуёши сўнмагай асло,
Бу тупрок буюклар юртидир азал.
Бу юртнинг тафтидан гуллайди Дунё,
Бу юртга мухаббат баридан гўзал.

Бағрим чаманзорға айланған гүс.
Хар баҳтим гул бўлиб очади куртак.
Қаршимда покликка бурканған диёр,
Аслида буюқ баҳт шу бўлса керак.

Самовий софликдан сурур улғаяр.
Күксим фалакларни чорлар дағызган.
Кулгичимда қувонч, түрүр улғаяр.
Нигохларим сари ўсмоқда Ватан.

Аслида бутоқ бағт шу бўлса керак.



ОНАЖОН

Кўзимни очганда сизни кўргандим.
Баъзида маъюсим, эркамсиз онам.
Сиздан яшамоқни кўриб ўргандим,
Дунёда тенгсизим, яккамсиз онам.

Пок оқ сутингизга меҳрингиз кўшиб,
Ичдирдингиз қалбда кучли ҳаяжон.
Кулсам кулгичимда жонингиз яшар,
Дунёни аллалаб суйган онажон.

Кифтгинамга кўнган хумосиз онам,
Бошига меҳрдан рўмол ўраган.
Мен учун энг буюк дунёсиз онам,
Сиз менга Худодан умр сўраган.



БАХОР

Саҳарлар шивирлаб айтар охиста,
Оқшомлар тонггача кузатар шодон.
Кўнгил боғларининг тароватидан,
Гуркираб гуллайди туйғулар бу он.

Тоғнинг эркатойи анвойи лолам,
Кафтимда қирмизи очун намоён.
Бойчечак лабида пичирлар аста,
Бахтдан гуллаб кетар ҳар тараф, ҳар ён.

Мафтун этди мени беғубор ҳислар,
Қалбимда ўзгача ҳаяжоним бор.
Ёзнинг оловини солиб юракка,
Мухаббати билан элтмоқда баҳор.

Гулнинг яноғида ажиб бир туйғу,
Хурлик нашидасин сехрин тилайди.
Танимга сиғмайди муҳаббатларим,
Бодом гулларида ишқим гуллайди.



АЁЛ

Хаётнинг хуснидир “Энг азиз аёл”,
Унда оқиллигу меҳр мужассам.
Тунни ёритувчи кўкдаги хилол,
Кунни ёритолган сехр мужассам.

Эгнида сержило мухаббат харир.
Товланиб туради қуёш нурлари.
Ул ой канизаги, ойнинг қизидир,
Борликнинг энг ёрқин заррин дурлари.

Кўзидан хаёллар аста мўралар,
Сўзида орзулар тиник ва бисёр.
Шаҳло гўзалларим, ойим оналар,
Гулгун чехрасида бетакрор баҳор.

Фарзандга жонини тортиқ қиласди,
Болам деб яшайди ҳамиша аёл.
Дилларга ҳуррамлик олиб киради.
Дунёни асрайди фаришта аёл.

Кунни ёритолган сехр мужассам...



“МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ”ГА

Шаффоф орзулар ила,
Янги йилни кутдик биз.
Такрор шукур айтамиз,
Янги йилга етдик биз.

Одимлаб бормок зарур,
Улкан режалар сари.
Мехр берайлик доим,
Худди Қуёш сингари.

Юртбошимиз айтади,
Мустакиллик омили.
Янги йилни атади,
“Мустаҳкам оила йили”

Ушбу йилда барчамиз,
Ахил- инок бўлайлик.
Оилалар тотув бўлсин,
Дўсту ўртоқ бўлайлик.

Жамиятнинг негизи,
Оила ҳисобланур.
Шунинг учун янги йил,
Шу мавзуда аталур.

Фарзандларнинг шодлиги
Ота-она баҳтидир.
Асли мақсад ҳам шунда,
Баҳтиёрлик аҳдидир.

Баҳтли оила қурайлик,
Гўзал жаннатмаконда.
Мустаҳкам оилалар
Бизнинг Узбекистонда.

БАХТЛИ ОВОЗ

Севги изхор қилар хар куни менга,
Күёш йўлларимда кулиб туради.
Хазонлар гулларни ўтар жонимга,
Юракда орзулар шукуҳ суради.

Кувонч дунёсидан қувончлар келар,
Кувончга тўлади вужуду таним.
Бахтли инсондирман, бахтли инсонман,
Бахтимни тўлдирап, азиз Ватаним.

Намозшом гулларнинг гулгунларида,
Мехрдан яралган юрак намоён.
Онамнинг чиройли кулгичларида,
Шодликлар кулади, чехраси шодон.

Хонамга чорлайди илҳом парилар,
Сўзсиз муҳаббатнинг йўлдоши ахддир.
Бунда кулиб турар бир банд атиргул,
Ҳар оним мендайин бахтидуру-Бахтдур.

Бахтнинг остонаси зарли поёндоз,
Соат милларига шаҳд тўлаётир.
Эшитилар бу дам энг бахтли овоз,
Қалбимда бахт бонги “Чарх ураётир”



ҲАВОИЙ БОБОМ

НАВОИЙ БОБОМ


(Илк ёзилган шеър)

Шоир Навоий бобом,
Олим Навоий бобом,
Ўз тафаккури билан
Элга танилган бобом.

Бизга мерос колдирган,
Куй, ғазал бўстонларин.
Яхшиликка чорлайди,
Ўқисак достонларин.

Файласуф бобом менинг,
Авлиё бобом менинг,
Ҳар сатри кўзларимга
Тўтиё бобом менинг.

Дилларда сақлагаймиз,
Унинг шеъру достонин.
Эъзозлаб яшагаймиз.
«Шеър мулкининг султони»н.



БУВИЖОННИМ

Дуогўйим бошимда тожим,
Юзга кириб юринг илойим,
Умр берсин сизга Худойим.
Бувижоним, соғ бўлинг доим.

Сизни йўқлаб келди гулбаҳор.
Сочингизда бодом гули бор,
Баҳор чоғи тилаклар бисёр,
Бувижоним, соғ бўлинг доим.

Юрагингиз бўлмасин хаста,
Митти дилим сизга пайваста,
Гулҳаё қиз сизга жон баста,
Бувижоним, соғ бўлинг доим.



ТУН

Япроқлар сұхбатин бошлайды аста,
Шаббода тинглайди уларни хүшёр.
Чирокнинг нуридан кўзи тинган ишқ,
Атрофга аланглар, кезмокда хушҳол.

Чиройин ойнадек сойларга солиб,
Аксини жилвакор зарҳаллар ўрап.
Отамнинг йўлини ёритар кувнок,
Даладан етаклаб келяпти ўйлар.

Яна чигирткалар чириллаб қўяр,
Оқшом палласининг гувоҳи бўлиб.
Капалак гулга бош қўйганча балки...
Нафосат боғида колгандир сўлиб.

Гоклар қучогида узум шодаси,
Оромин бузгиси келмайди гоҳо.
Томири тупроққа коришган юксак,
Мўжиза, ҳайратдир бу кўхна Дунё.

Самода порлайди, чакнаб туради,
Буюклар тимсоли, буюк юлдузлар.
Бўйнига тумордир, балдоқдир унга,
Ойдин кечаларда туш қўрар кизлар.

Алладан уйқусин топар болакай,
Унинг онги уйғоқ, юраги уйғоқ.
Тонгни кутиш учун эртага шодон,
Туннинг елкасига бош қўяр Қишлоқ.

ЎЗБЕК ЎГЛОНӢ

Юргнинг ифтихори, ишончи сизлар,
Сиз ўзбек фарзанди, тинчлик посбони.
Ҳавас-ла боқади кўкда юлдузлар,
Матонат конидир ўзбек ўғлони.

Мадҳингиз куйлайди ҳурлар,
Таърифлар оламнинг жумла-жаҳони.
Ботиру паҳлавон, марду жасурлар,
Эзгулик элчиси ўзбек ўғлони.

Қалбда Ватан меҳри тўлиб тошади,
Амалда исботлар тинчдир ҳар они.
Фурури юксакдир, тоғдан ошади,
Темурбек издоши ўзбек ўғлони.

Юртим деб яшайди насли Алпомиш,
Донғи кетган шонли ҳалқнинг достони.
Эркесвар инсонлар сизга минг олкиш,
Комиллик тимсоли ўзбек ўғлони.

Асройсиз эзгулик, тинчликни ҳар дам,
Сиз борсиз, мусаффо юртим осмони.
Сизни ардоклаймиз, ардоклар олам,
Ватаним фаҳрисиз ўзбек ўғлони.



97

Париларнинг паривашисан,
Осмонларнинг бурчидаги ой.
Лайлиларнинг лайлиси ўзинг,
Лек топмадим сендейин чирой.

Кулиб пешвоз чиқасан тунда,
Догларингдан уялдинг бунча.
Дунёларга сиғмас нурларинг,
Сен самода сочилган ғунча.

Коронгулик ёт эрүр сенга,
Эй! Фалаклар эркалаган ой.
Минг насиҳат айтиб юлдузга,
Осмонларни қиласан Сарой.

Тоғ ортида яшнаган ҳилол,
Ой онамнинг ёпган кулчаси.
Сен ошиклар яшириб айтган.
Сўзларининг сирли кечаси.



ИШҚИМ ЎГРИСИ

Сен ҳозир неларни ўйлайсан тунда,
Балки эшитилар сенга сўзларим.
Сенга боқиб туриб ўрганмагандা,
Сенга боқиб турган каро кўзларим.

Оқшом шамоллардан хабар келади,
Дилингда асраган изҳорларингда.
Юрагим гулларга тўлиб кетади,
Гулларга бурканган баҳорларингда.

Нафасинг нағисидир сенинг азизим.
Ишқимдан ёрилгай Қува анори.
Бўйнимдан қучоқлаб олгандир бугун,
Сен жўнатган ўша Соғинч тумори.

Шеъримга кўмаман сен дея битган,
Энг эзгу тузилган битикларимни.
Сенинг меҳринг билан гуркираб ётган,
Эркалаб қўяман ўрикларимни.

Нима қиласай ахир юрак қўймайди,
Сени ўйламайман хеч ҳам тўғриси.
Нима қиласай, ахир, кўнглимда бўлсанг,
Сен энг тўғридирсан ишқим ўғриси.

Ишқим ўғриси...

БИЛМАМ...

Нега ҳисларимга туткин бу бағир,
Хаёлим қайларга тутилган асир.
Ҳисларим бойланган йүқ ором, сабр,
Туйгулар негадир мендан хавотир.

Оввора қалбимдир бетин, бечора,
Тополмай аслини излайди чора.
“Илох” дан олислаб бордим тобора,
Туйгулар негадир мендан хавотир.

Юзимни силаган шаббода нечун,
Ортимдан мунғайиб қолгандай бутун.
Фуурим қаҳрига қолганим учун,
Туйгулар негадир мендан хавотир.

Осмоннинг бағрига бош қўйди армон,
Орзуга йўлдошдир қачондир ҳижрон.
Юрак хавотирда билмадим ёмон,
Туйгулар негадир мендан хавотир



Очун узра орзуларим бор,
Умидимнинг учқунларидан.
Менга йўлдош биргина ашъор
Юрагимнинг тутқунларида.

Кўрдим гоҳо ўй рўёбини,
Хаёлларни кўнглимга олдим.
Менга қарши бўлган, исёнли,
Туйгуларни Худога солдим.

Ӣигоҳларим қайрилди гўё,
Билиб туриб ҳолим сўрганлар.
Бахтимдан-да қашшоқроқ бари,
Мени ёмон-ёмон кўрганлар.



СЕВМАЙМАН ДЕМАНГ

Менга ширин гаплар айтдингиз,
Гохи айтган сўздан кайтдингиз.
Энди мени севмайман деманг,
Мени мафтун этган ўзингиз.

Сизга севги оддий ўйинчок,
Юрагимни бергандим шу чок.
Энди мени севмайман деманг,
Ёниб ўчган, сўнган шамчирок.

Севгингизни сочимга бойлаб,
Сизни дедим ўйламай-ўйлаб.
Энди мени севмайман деманг,
Майли, кутай сизни минг йиллар.

Изҳорингиз қададим дилга,
Юрагимни бермайман ўзга.
Энди мени севмайман деманг,
Ошиқ бўлиб яна бир гулга.

Энди мени севмайман деманг,
Мени мафтун этган ўзингиз...



СОГИНИБ БОРМАЙМАН

СОГИНИБ БОРМАЙМАН

Телбадай ёқтириб Иқболни,
Қачондир согиниб келасиз...
Иқбол Юсуф

Согинчни сиз асло билмайсиз.
Йүлларингиз кутиб толмайман.
Сиз мени согиниб келмайсиз,
Мен сизни согиниб бормайман.

Сочимдан узуироқ согинчим,
Билдирмайман сизга ҳеч қачон.
Сизга кўринмаслик менинг овунчим,
Излаб бораманми,
Айтингчи, бу он?

Ялиниб борайми ёш билан.
Севгимни дастурхон қилайми?
Наҳотки, киз бола бош билан.
Мен сизни согиниб борайми?

«Тўпори йигит»сиз ва лекин,
Сиз мени ахтариб келмайсиз.
Шудирда, энг катта муаммо,
Согиниб келишни билмайсиз.

Кутасиз бугунми, ё эрта,
Мен сизни кугтириб толмайман.
Аммо, эшитволинг, гап битта,
Мен сизни согиниб бормайман.

* * *

Ишким баён этсам сизга
Дунёларга сиғмайды хеч.
Оlam ила изҳорларга
Наволарга сиғмайды хеч

Нигоҳимни асир олиб,
Нелар келар бу бошимга.
Сиздек гуллаб баҳорлар ҳам,
Яшнаб турар бу қошимда.

Офтоб юзли офтоб ойим,
Жаҳонимни нурлатади.
Гулдан бунёд бўлган гулим,
Юрагимни гуллатади.

Мұхаббат ҳам, рүёлар ҳам,
Сиздан олгай зүр андоза.
Сиз баҳтмисиз, омадмисиз,
Паризода ё Ҳурзода.

Ишкингизда Гули Ҳаё,
Дунёларин куйлар сизга.
Юрагин торларидан
Наволарин куйлар сизга.

Шахло қараш, күзлар аро,
Мехр билан боқасиз-ей.
Гулдек нозик, сарвиқомат,
Менга жуда ёқасиз-ей.

АРАЗ

*Шунчалар қийинми,
сувга чиқмогинг?
Иқбол Мирзо.*

Юзимда табассум, күнгил хавотир,
Сувсираб кетмоқда менинг томоғим.
Үйда акам бордир, не қилай ахир,
Шунча қийиндир, сувга чиқмоғим.

Сизни Қуёш күрсін, күрсін тупрок ҳам,
Унчалик қийинмас сиздан тоңмоғим.
Аммо битта зорим, күрмасин акам,
Шунчалар қийиндир, сувга чиқмоғим.

Үчок менга қараб қиқирлар гүё,
Мен уни самога келар осмоғим.
Шу дам коронғудек күзимга Дунё,
Шунчалар қийиндир, сувга чиқмоғим.

Қайсарсиз, тушунинг мени бир бора,
Қалбимни қийнайды «Сув»нинг қийноғи.
Сабр қилинг, албатта, топаман чора,
Шунчалар қийиндир, сувга чиқмоғим



СИЗ ЎШАМУ...

Сиз ўшаму...

Жисму вужудимни титроққа солиб,
Менинг хаёлларим телбалар этган.
Ширип ўйларимни фирокқа солиб,
Сизни кутаман деб кутмайин кетган.

Сиз ўшаму...

Ўша... Дунёларим Дунё айлаган,
Кўзимга кўзини чизгунга қадар.
Қалбга кишиан солиб, шеърга бойлаган,
Хабар олмаган ҳам, бермаган хабар.

Сиз ўшаму...

Софинчни билмаган соғинчи чексиз,
Ширип сўзларингиз ростми ё ёлғон.
Яшашдан маъни йўқ, маъно йўқ сизсиз,
Кутиб гирён бўлдим, энтикиб гирён.

Сиз ўшаму...

Илк тароватин қўмсаган баҳор,
Юракдан ёрини асрраб жонидек.
Фарғона томонда мендек Кумуш бор,
Сиздек ошиқ танҳо, танҳо Отабек.



БЕГИМ

(Зайнаб номидан)

Бугун висолни-да хижронлар ютиб,
Сарсон ишқа асир этдилар мени.
Айбим, нетай, севиб-севилмаганим,
Саробларга ташлаб кетдилар мени.

Чин дилдан суйганим қалб ардоғимда,
Юракдан бегим деб айтганимда ҳам.
Мұхаббат күзимни күр қилган чоғи,
Гирдобига тортди үшанды алам.

Гул эдим, бир зумда япрогим хазон,
Үзга гул чаманда атрин сочарди.
Бегим... энди сизга етмоғим гумон,
Нафрат ишқ ханжарин қалбға санчарди.

Не килай, күнглимини күндиролмадим,
Сиздан үзгасига күнмасди курғур.
Үзга ҳаётни ҳам ҳавас қилмадим,
Қайғуга ботмонлаб ботмоқда ғуур.

Лекин мұхаббатим сиз учун чексиз,
Хар лаҳзада сизни келади күргим.
Айбим нетай севиб-севилмаганим,
Бегим...
Бегим...
Бегим...

МУНДАРИЖА

| | |
|-------------------------------|----|
| Орзулари уммон киз | 3 |
| Ватан | 5 |
| Ҳаёт гўзал | 6 |
| Бахт тимсоли | 7 |
| Отам | 8 |
| Фарғонадан ахтаринг | 9 |
| Бир ховуч гупрок | 10 |
| Буюқ баҳт | 11 |
| Онажон | 12 |
| Баҳор | 13 |
| Аёл | 14 |
| “Мустаҳкам оила йили”га | 15 |
| Баҳтили овоз | 16 |
| Навоий бобом | 17 |
| Бувижоним | 18 |
| Тун | 19 |
| Ўзбек ўглони | 20 |
| Ой | 21 |
| Ишқим ўғриси | 22 |
| Билмам | 23 |
| Очун узра орзуларим бор | 24 |
| Севмайман деманг | 25 |
| Согиниб бормайман | 26 |
| Ишқим баён этсам сизга | 27 |
| Араз | 28 |
| Сиз ўшаму | 29 |
| Бегим | 30 |

**Адабий-бадиий нашр
Гулҳаё АШУРОВА
БАХТ ТИМСОЛИ**

| | |
|----------------|-----------------------|
| Мухаррир | Нусрат Абдусалом. |
| Техн. мухаррир | Минура Мирзакаримова. |
| Мусаххих | Нигора Тожиматова. |
| Сахифаловчи | Ҳамидҷон Парниев. |

Ноширлик лицензияси АI № 175. 11.06.2010 йил.

Босмахонага 2012 йил 6 июнда берилди. Босишга 2012 йил 7 августда рұксат этилди. Бичими 84x108 1/32. Ҳажми 1 босма табок. Нашриёт табори 0,8. Times New Roman гарнитурасы, оффсет көзози, оффсет усулида чоп этилди. Буюртма 1529. Адади 200 нұсха. Баҳоси келишилган нархда.

«Andijon nashriyot-ma'lbaa» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзили: 710000. Андижон шаҳри, Навоий шохкӯчаси, 71-үй.